

ISSN: 2181-9416



# ЮРИСТ АХБОРТОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

хуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнал



CYBERLENINKA

научная электронная  
библиотека  
**eLIBRARY.RU**

ISSN 2181-9416  
Doi Journal 10.26739/2181-9416

**ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ**  
**2 СОН, 1 ЖИЛД**

**ВЕСТНИК ЮРИСТА**  
**НОМЕР 2, ВЫПУСК 1**

**LAWYER HERALD**  
**VOLUME 2, ISSUE 1**



**TOSHKENT-2022**

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.  
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

**1. БАҲРОНОВ Шерзод Холмуродович**

НОРМА ИЖОДКОРЛИГИДА ЭКОЛОГИК ТАЛАБЛАР ҲИСОБГА ОЛИНИШНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ ..... 8

**2. НЕМАТОВ Жўрабек Нематиллоевич**

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИМОЯ ОРДЕРИНИНГ МАЪМУРИЙ АКТ МИСОЛИДАГИ  
МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ ..... 16

**3. РАБИЕВ Шерзод Миржалилович, АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович**

МАЪМУРИЙ МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА “МАЪМУРИЙ  
КЎМАКЛАШ”НИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ ..... 22

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.  
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ**

**4. ОКЮЛОВ Омонбой**

“СНОСЛАР” ЖАРАЁНИДА ХАР БИР МУЛҚДОР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ  
МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИ ШАРТ ..... 30

**5. ГУЛЯМОВ Саид Саидахарович, БОЗАРОВ Сардор Соҳибжонович**

ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СФЕРЕ  
ЗДРАВООХРАНЕНИЯ ..... 36

**6. ACHILOVA Liliya Ilxomovna**

VIRTUAL TURIZMNI TASHKIL ETISHNING HUQUQIY JIHATLARI ..... 43

**7. МУРОТОВ Журабек Сафарович**

ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИГА (ТОВАР, ХИЗМАТ) БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР . 50

**8. ВОСТРИКОВА Виктория Сергеевна, ЧЕРКАШИНА Ирина Александровна**

ДОКТРИНА ФРУСТРАЦИИ НА ПРИМЕРЕ РЕШЕНИЯ ВЕРХОВНОГО СУДА  
СОЕДИНЕННОГО КОРОЛЕВСТВА ..... 55

**9. АБРОРОВА Камола Сайдмухторовна**

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В СФЕРЕ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕЖДУНАРОДНОГО КОММЕРЧЕСКОГО АРБИТРАЖА  
В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ..... 63

**МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ**

**10. МАДРАҲИМОВА Гулжаҳон Рузимбой қизи**

ИИЛЛИК ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН МЕҲНАТ ТАЪТИЛИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ  
ВА ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР  
(РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА) ..... 70

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.  
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ**

**11. ИБРОҲИМОВ Жамшид Абдуғофур ўғли**

ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ..... 79

**12. ВОХИДОВ Махкам Мубинович**

ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ПРАВОВЫХ ОСНОВ ВОССТАНОВЛЕНИЯ  
НАРУШЕННЫХ ПРАВ ЖЕРТВ ПРЕСТУПЛЕНИЙ И ЗЛОУПОТРЕБЛЕНИЯ ВЛАСТЬЮ В  
РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ..... 86

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

---

<b>13. ИСПЛОМОВ Бунёд Очилович</b> ОБСТОЯТЕЛЬСТВА, СМЯГЧАЮЩИЕ НАКАЗАНИЕ И ИСКЛЮЧАЮЩИЕ ПРЕСТУПНОСТЬ ДЕЯНИЯ ПО УГОЛОВНОМУ КОДЕКСУ РЕСПУБЛИКИ БОЛГАРИЯ (СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ) .....	92
<b>14. БОЙДЕДАЕВ Садирдин Абдусатторович</b> КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ .....	99

### ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

<b>15. АБДУЛЛАЕВ Рустам Каҳраманович</b> ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАЪМИНОТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ .....	107
<b>16. ЧУРЯКОВ Эркин Ибрагимович</b> СУД-БАЛЛИСТИКА ЭКСПЕРТИЗАСИДА ЭКСПЕРТ ЭКСПЕРИМЕНТИНИНГ ЎРНИ .....	114

### ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

<b>17. РАХМАНОВ Шухрат Наимович</b> ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА МИГРАЦИЯВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ .....	119
<b>18. USMANOVA Surayyo</b> YEVRONA ITTIFOQIDA TURIZM: OMMAVIY HUQUQIY JIHATLARI TAHLILI .....	126
<b>19. ХАМДАМОВА Фируза</b> ПРАВОВОЙ СТАТУС РОБОТОВ В МЕЖДУНАРОДНОМ ГУМАНИТАРНОМ ПРАВЕ .....	131
<b>20. КАРИМОВ Оятилло Халимович</b> ПОНЯТИЙНЫЙ АНАЛИЗ ЭКСТРАДИЦИИ В МЕЖДУНАРОДНОМ И НАЦИОНАЛЬНОМ ПРАВЕ: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ .....	135
<b>21. АЪЗАМХУЖАЕВ Умидхон Шавкат угли</b> МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ТРАНСПОРТНО-КОММУНИКАЦИОННЫХ СВЯЗЕЙ СТРАН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ЕВРОПЫ .....	141
<b>22. ОЧИЛОВ Шермат Рашидович</b> ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ .....	149
<b>23. САЛИЕВА Шахсанем Уснатдиновна</b> ФОРМИРОВАНИЕ ЦИФРОВЫХ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ .....	154
<b>24. МИРЗАМУРОДОВ Шоҳруҳ Олимович</b> МЕЖДУНАРОДНОЕ ДОГОВОРНО-ПРАВОВОЕ ЗАКРЕПЛЕНИЕ РЕГИОНАЛЬНОЙ ИНТЕГРАЦИИ В ЦЕНТРАЛЬНО И ЮЖНОАЗИЙСКОМ МАКРОРЕГИОНЕ В РАМКАХ ШОС .....	161

### ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

<b>25. NAITO Shintaro</b> OVERVIEW OF DRAFTING LEGISLATIVE BILLS IN JAPAN–FOCUSING ON AVOIDING INCONSISTENCY IN LAWS .....	169
<b>26. ТОЖИЕВ Фурқат Шомуродович</b> ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА .....	184
<b>27. ИЛЬЯСОВ Улугбек Бахтиёрович</b> ОСНОВНЫЕ НОВЕЛЛЫ ИНВЕСТИЦИОННОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА НОВОГО УЗБЕКИСТАНА .....	190

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ТОЖИЕВ Фурқат Шомуродович

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги “Адолат” миллый ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси директори

## ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** Тожиев Ф.Ш. Юридик хизматлар фаолиятида ҳуқуқий технологияларни қўллашнинг назарий-ҳуқуқий муаммолари: Ўзбекистон мисолида // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2022) Б. 184-190.



2 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-2-26>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола Ўзбекистонда юридик хизматлар фаолиятида ҳуқуқий технологияларни қўллашнинг назарий-ҳуқуқий муаммолари ёритади. Шу билан бир қаторда, ҳозирда юридик хизматлар орқали эришилган натижалар, тенденциялар ва қисман хорижий статистик таҳлиллар ҳам кўриб чиқилади. Мақола сўнгидаги жамиятимизнинг юридик хизматлар фаолиятида ҳуқуқий технологиянинг самараадорлигини ошириш учун таклифлар ва уларга ечимлар тавсифланади.

**Калит сўзлар:** эксперимент, электрон тизим, юридик хизмат кўрсатиш марказлари, “E-huquqshunos”, “Legal Tech”, электрон ахборот.

ТОЖИЕВ Фурқат Шомуродович

Директор Национального правового информационного центра  
«Адолат» при Министерстве юстиции Республики Узбекистан

## ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ ПРИМЕНЕНИЯ ЮРИДИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЮРИДИЧЕСКИХ СЛУЖБ: НА ПРИМЕРЕ УЗБЕКИСТАНА

### АННОТАЦИЯ

В данной статье изучены теоретико-правовые вопросы применения юридических технологий в деятельности юридических служб Узбекистана. Кроме того, рассмотрены текущие результаты, тенденции и зарубежный статистический анализ, которые в настоящее время достигаются с помощью юридических услуг. В завершение статьи рекомендованы предложения и решения по повышению эффективности юридических технологий в деятельности юридических служб нашего общества.

**Ключевые слова:** эксперимент, электронная система, центры юридических услуг, “E-huquqshunos”, “Legal Tech”, электронная информация.

## THEORETICAL AND LEGAL MATTERS OF APPLICATION OF LEGAL TECHNOLOGIES IN THE ACTIVITIES OF LEGAL SERVICES: ON THE EXAMPLE OF UZBEKISTAN

### ANNOTATION

This article covers the theoretical and legal matters of the application of legal technologies in the activities of legal services in Uzbekistan. In addition, current results, trends, and foreign statistical analysis which are currently achieved through legal services will also be considered. At the end of the article the proposals and solutions to increase the effectiveness of legal technology in the activities of legal services of our society shall be recommended.

**Keywords:** experiment, electronic system, legal service centers, "E-huquqshunos", "Legal Tech", electronic information.

Барчамизга маълумки, инсоният кундан кунга ривожланиб, меҳнат сарфини камайтириш ва самарадорликни ошириш мақсадида янги технологиялар, янги ишлаш методларини жорий этиш ва дунёга янгича назар билан қарашга интилиб келмоқда. Шу жумладан Ўзбекистон ҳам дунё билан ҳамнафас бўлиб, техник ва технологик янгиланишлар ҳамда илмий тараққиёт йилидан бормоқда. Мамлакатимиз ҳам замонавий технологиялар кескин ривожланаётган даврда, юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини берувчи рақамли билимлар ва юксак ахборот технологияларини эгаллашга қаратилган сиёсатни олиб бормоқда. Мамлакатимизда 2020 йил – "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб эълон қилишини ҳам юқоридаги фикрларимизнинг далили сифатида келтиришимиз мумкин.

Бугунги кунда ҳаётизинг ахборот технологиялари кириб бормаган соҳаси қолмади. Қайси бир соҳани олмайлик замонавий ахборот технологиялари янгиланишларнинг муҳим омилига айланиб бормоқда.

Бошқа соҳалар қаторида ҳуқуқ соҳасида ҳам ахборот технологиялари босқичмабосқич кириб келиши, фуқароларимизнинг вақт ва маблағлари тежалиши билан бирга уларга кўпгина қулайлик яратмоқда. Ушбу жараён ўз навбатида давлат бошқаруви органлари фаолияти тезлашишига, уларнинг ишига ошкоралик берилишига, фаолият сифати янги босқичга кўтарилишига олиб келди.

Ахборот технологияларини жорий этиш ва уни янада ривожлантиришда давлат бошқаруви органларининг фаоллиги, мазкур соҳага аълоҳида этибор қаратилаётганлиги, ушбу соҳаларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари тезкорлик билан яратиб борилаётганлиги эътиборга лойиқ ва қувонарли ҳолатdir.

Ҳуқуқ соҳасида ахборот технологиялари жорий этилишининг афзалликлар ва истиқболларини аниқ мисолларда кўриб чиқамиз.

Давлат органлари ва ташкилотларига сифатли юридик хизмат кўрсатилишини таъминлашмақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлатҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сон Фармонига [1] асосан Наманганд шаҳри ва Қарши туманида эксперимент тариқасида туман (шаҳар) адлия бўлимлари ҳузурида давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизматлар кўрсатиш марказлари ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланган бўлиб, ушбу ҳужжат юридик хизмат марказлари фаолиятини ташкил этишга қаратилган қонунчилик ҳужжатларининг асоси бўлиб хизмат қилди.

Ушбу Фармонижросини таъминлашмақсадида қабулқилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 сентябрдаги «Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини эксперимент тариқасида ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»

561-сон қарорига [2] асосан Наманган шаҳри, Қарши ва Марҳамат туманларида синов тариқасида жами 23 та давлат органи ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмаларига юридик хизматлар кўрсатувчи марказлар фаолияти Адлия вазирлиги тизимида йўлга қўйилди. Эксперимент доирасидаги туман (шаҳар)ларда 2020 йил 25 сентябрга қадар марказлар ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ўзаро ишни ташкил қилишнинг ягона электрон тизими ишга туширилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорига асосан давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини эксперимент тариқасида ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланиб, юридик хизмат марказлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Ушбу синов ўзининг ижобий самарасини кўрсатиб, жойларда кўрсатиладиган юридик хизмат сифати яхшиланиб, давлат ташкилотлари томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг қонуний ҳамда ҳар томонлама пухта ва сифатли бўлишини таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-6155-сон Фармонида [3] давлат органлари ва ташкилотларини ҳуқуқий таъминлашни янада такомиллаштириш мақсадида юридик хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этилиши белгиланган.

Ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5168-сон қарори [4] қабул қилинган бўлиб, унда 2021 йил 1 октябрдан бошлаб туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари штат бирликлари ҳисобидан юридик хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилиши, юридик хизмат кўрсатиш марказларининг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган.

Шунингдек, давлат органлари ва бошқа ташкилотларга юридик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча маълумот ва жараёнларни электрон равишда йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва амалга ошириш имконини берувчи “E-huquqshunos” электрон тизими босқичмабосқич жорий этилиши, юридик хизмат кўрсатиш марказлари малакали кадрлар билан таъминланиши, улар рағбатлантириб борилиши, юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини йўлга қўйиш учун бино ва моддий техника ресурсларига маблағларни тегишли маҳаллий бюджет, адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ажратилиши, юридик хизмат кўрсатиш марказларини малакали кадрлар билан таъминлаш чораларини кўриш назарда тутилган.

Юридик хизмат марказларининг асосий вазифаси юридик хизмат кўрсатиладиган давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, сифатли ва малакали юридик ёрдам кўрсатиш, ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, ташкилотларнинг мулкий ҳамда бошқа ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўз вақтида, ҳар томонлама ва самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, қабул қилинаётган ҳужжатларнинг қонуний ҳамда ҳар томонлама пухта ва сифатли бўлишини таъминлашдан иборат.

Қарорда марказлар томонидан юридик хизмат кўрсатилиши белгиланган ташкилотлар томонидан марказлар билан келишилмаган ҳолда юридик тусдаги ҳужжатлар қабул қилинишига йўл қўйилмаслиги, бундай ҳужжатлар юридик кучга эга эмаслиги ҳамда улар қабул қилинган пайтдан эътиборан ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармаслиги ҳам белгиланган бўлиб, ушбу норма юридик хизмат марказларининг ўрни ва аҳамиятини янада оширади.

Юридик хизмат марказлари фаолият кўрсатиши давлат органлари томонидан ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар содир этилишини, қарорлар қабул қилинишини олдини олади. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатларининг

камайишига, судгача ва суд тартибидаги низолар камайишига, фуқароларнинг давлат ва бошқарув органларига ишончи ортишига олиб келади.

Ҳозирда барча туман шаҳарларда юридик хизмат марказлари фаолият юритиб келаётган бўлиб, марказлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган таркибий бўлинма тарзида ташкил этилади ва уларга бўйсунади.

Юридик хизмат марказлари томонидан давлат ташкилотларига юридик хизматлар кўрсатиш “E-huquqshunos” электрон тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Мазкур тизим ўзининг қулайлиги, тезкорлиги, юқори самарадорлиги билан ажралиб туради.

Мазкур электрон тизим:

электрон тизимга ички буйруқ, шартномалар ва бошқа юридик тусдаги ҳужжатларнинг намуналарини киритиш ҳамда мавжуд ҳужжатлар лойиҳалари намуналаридан эркин фойдаланиш;

- электрон тизимдан фойдаланувчи ташкилотлар томонидан шахсий кабинетга кириш, ҳар қандай ҳужжат лойиҳаси ва унга таҳлилий материалларни тайёрлаш, қайта ишлаш ва хулоса олиш учун Марказларга юбориш;

- Марказларнинг масъулходимларитомонидан, тегишли хулоса тайёрлаш, ҳужжатларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда, электрон тизимга бириктириш ҳамда ўзаро ҳужжат алмашиш;

- электрон тизимдан фойдаланувчи ташкилотлар томонидан Марказлардан ижобий хулоса олинганидан сўнг такрорланмайдиган махсус рақам бериш ва электрон тарзда қабул қилиш ҳамда ушбу ҳужжатларни автоматик тарзда изчил кетма-кетлиқда рақамлаш;

- давлат ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни тизимга бириктириш, уларни таҳрир қилиш, таклифларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш ҳамда юбориш;

- тарғибот тадбирлари билан боғлиқ материалларни электрон тизим орқали алмашиш;

- давлат ташкилотларига талабнома, судларга ариза ёки даъво аризаларини киритиш учун уларнинг лойиҳаларини тайёрлаш, таҳрир қилиш ва электрон рақамли имзо билан тасдиқлаб киритиш;

-юридикхизматкўрсатиладиганташкилотларганисбатан ўтказиладигантекширишларда масоғавий тарзда иштирок этиш ҳамда уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш;

- Марказлар томонидан юридик ва жисмоний шахслардан келган мурожаатларни ўрганиб чиқиши ва уларга асослантирилган жавоблар юборишда иштирок этиш имконини беради.

Фаолият бошлаганидан узоқ муддат ўтмаган бўлсада, юридик хизмат марказлари ўзининг самарадорлиги, аниқлиги ва тезкорлигини кўрсатиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг ёътирофига сазовор бўлди.

Шу сабабдан келгусида юридик хизмат марказларида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, кам таъминланган ҳамда ногиронлиги бор фуқароларга ҳам юридик ёрдам кўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда юридик хизмат марказларига ушбу тоифадаги фуқароларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича қўшимча ваколатлар берилиши талаб этилади.

Ҳуқуқ соҳасида ахборот технологияларини жорий этишнинг яна бир истиқболли йўналиши бу шубҳасиз “Legal Tech” тизими бўлиб ҳисобланади.

“Legal Tech” бу юридик соҳани рақамли технологиялар билан қамраб оловчи, юридик хизматларни автоматлаштирилган тарзда кўрсатиш, шунингдек, юридик масалаларни рақамли технологиялар ёрдамида ечишга қаратилган юриспруденция ва ахборот технологиялари соҳаларини уйғунлигига ҳосил бўлган йўналишдир. Фуқаролар ва давлат ўртасидаги ҳар қандай муносабат ҳуқуқий тусга киради ва ўз ҳуқуқий оқибатини келтириб чиқаради. Демак, биз давлат ва фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларга технологияларни қўлласак, ушбу муносабатларни биз “Legal tech” деб атай оламиз.

Бир сўз билан айтганда “Legal tech” деганда ҳуқуқий соҳада технологияларни қўллашни тушунишимиз лозим.

“Legal tech” 2000 йилларнинг охиридан бошлаб кўпгина ривожланган давлатларда жорий этила бошланган ҳамда истеъмолчиларга ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик хизматлар кўрсатишга ихтисослашган бизнес соҳаси ҳисобланади.

Халқаро тажрибага назар ташлайдиган бўлсак иқтисодий ва техникавий жиҳатдан ривожланган кўпгина хорижий давлатлар «Legal Tech» электрон ахборот тизими бир-бири билан боғлиқ бўлган янги-янги соҳаларни қамраб, кенг фойдаланиб келётганинги кўриш мумкин.

Дунёдаги энг йирик аудиторлик компанияларининг “катта тўртлиги”га кирувчи, Буюк Британияда жойлашган ZION Market Research компаниясининг таҳлиллари ва прогнозлари бўйича 2026 йилга келиб «Legal Tech» электрон ахборот тизимларининг йиллик ўсиши ўртача 36 % ни, даромадлари эса 37 миллиард АҚШ долларини ташкил этади [5].

Мазкур соҳада ўз ўрнига эга бўлган **Deloitte** компаниясининг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ҳозирда дунёдаги компанияларнинг 18% фоизи «Legal Tech» электрон ахборот тизимидан фойдаланиб келаётган бўлса, кейинги 5 йил ичida бу кўрсаткич 52% фоизни ташкил этади [6].

Ушбу соҳадаги эътиборга лойиқ лойиҳалар қаторига АҚШ, Буюк Британия ва Канададаги «Premonition», «Case Crunch», «Court Quant», «Lexis Nexis», «Gavelytics», «Legal Zoom», «Rocket Lawyer», Италиядаги «Italguire», «Enlex», Белгиядаги «Credos», Германиядаги «Juris», Австриядаги «Rdb», Финляндиядаги «Finflex», Франциядаги «Jurisdata», «Sindoni», Россиядаги «Doczilla.ru», «Freshdoc.ru», «Doc.one», «Право.ру», «Legal Tech» шунингдек, халқаро даражадаги “Lex Borealis”, “PwC Legal”, “Legal PRO”, “JureCloud” лойиҳаларини киратишимиз мумкин. Ушбу дастурларда фойдаланувчилар ўзларига керак бўлган тайёр намуналар (шаблонлар) ва бланкаларга ўзларининг шахсий маълумотлари ва иш ҳолатига оид маълумотларни киритиб, тайёр бўлган ҳужжатларни юклаб олишлари ва фойдаланишлари мумкин бўлади.

Такидлашкоизки, бугунги кунга қадар Ўзбекистонда ўз-ўзига ҳуқуқий хизмат кўрсатишга мўлжалланган электрон ахборот тизими мавжуд эмас эди. Ҳозирги глобаллашув, илмий-техник тараққиёт даври аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг инновацион усусларидан, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларидан фойдаланиш заруратини юзага келтиради.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6079-сон Фармонига [7] асосан ўз-ўзига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш-“Legal Tech” ахборот тизимини яратиш белгиланди.

Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот Маркази томонидан Буюк Британия, Канада, Италия, Германия, Австрияда ва Россия каби ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларидан келиб чиқсан ҳолда ўз-ўзига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш ахборот тизими “Yurxizmat.uz” доменида ташкил этилиб, 2021 йил 1 апрелдан тест режимида ишга туширилди. Тизим тақдимоти “Tashkent Law Spring” II халқаро юридик форуми доирасида ўтказилиб, тизим қўпгина халқаро эксперталар ва мутахассисларнинг эътирофига сабаб бўлди.

Мазкур ахборот тизими юристлар ёки адвокатлар иштирокисиз ҳуқуқий ҳужжатларни, хусусан юридик шахслар фаолиятида фойдаланиладиган корпоратив ҳужжатлар намуналарини, жисмоний шахслар томонидан фойдаланиладиган шартномалар, аризалар, илтимосномалар, битимлар каби бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар намуналарини автоматлаштирилган ҳолда электрон шаклда тайёрлаш имкониятини берувчи тизим ҳисобланади.

Бугунги кунда тизимда 700 га яқин ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, тизимга янги ҳужжатларни киритиш ишлари давом этмоқда.

Сайт 6 та бўлимдан иборат бўлиб ундан судга оид ҳужжатлар, шартномалар, келишув, битимлар, ишончномалар, корпоратив ҳужжатлар, шахсий таркибга оид ҳужжатлар, ариза, илтимосномалар намуналари, ҳамда нотариал тасдиқланадиган ҳужжатлар ўрин олган. Тизимдан фойдаланишни янада қулайлаштириш мақсадида мазкур бўлимлар ўз навбатида

71 та соҳаларга бўлинган.

Мазкуртизим кичик ва ўрта бизнес вакиллари, аҳолининг кам таъминланган қатламлари ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотлари учун мўлжалланган бўлиб, ундан фойдаланиш мутлақо бепул. Тизим яратилиши пандемия шароитида фойдаланувчиларнинг ортиқча сарсон бўлишининг олдини олиш билан бирга уларнинг вақтлари ва маблағлари тежалишига олиб келди.

Шунингдек, тизимдаги ҳужжатлар намуналари амалдаги қонунчилик ҳужжатларига киритиладиган ўзгартирилиб, янгиланиб, назорат ҳолатида юритиб борилади. Шу билан бирга, Ўзбекистонда юристлар, шу жумладан, адвокатларнинг етишмаслиги шароитида “Legal Tech” дастурлари яратилиши ва амалиётга жорий этилиши ҳуқуқий низолар осонлик билан, қисқа фурсатларда, қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилинишига ёрдам беради.

“Legal Tech” ахборот тизими ўзида кўпгина афзалликларни ифодалаганлиги, фойдаланувчиларга қулайликлар яратганлиги, сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сон Фармонида шартномалар намуналари “Yurxizmat.uz” маҳсус ахборот порталига жойлаштириб борилиши ва улар қонунчиликка киритиладиган ўзгартиришлардан келиб чиқиб назорат ҳолатида юритилиши белгиланди.

Ҳозирда “Yurxizmat.uz” тизимида 163 та шартнома намуналари киритилган бўлиб, қонунчиликка киритиладиган ўзгартиришлардан келиб чиқиб назорат ҳолатида юритиб келинмоқда.

Бундан ташқари, тизимдаги ҳужжатлардан фойдаланиш жараёнида учрайдиган стандарт маълумотлар (худуд номлари, давлат бошқаруви органлари, судлар, нотариал идоралар номлари ва ҳоказо) доираси аниқланиб, ушбу маълумотлар тизимга киритилиб, автоматлаштирилди. Тизимдаги барча ҳужжатлар Адлия вазирлигининг Advice.uz ҳуқуқий ахборот порталининг тегишли қисмлари билан боғланди. Бу эса фойдаланувчиларга ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатларини ўрганиш, шу соҳадаги аниқ мисоллар (ҳолатлар) билан танишиш, тегишли ҳужжатлар намуналарини олиш ва улардан фойдаланиш имкони беради.

Ушбу тизим самарадорлигини янада ошириш, тизим фойдаланувчилари сонини кўпайтириш мақсадида келгусида жисмоний имконияти чекланган шахсларга алоҳида қулайликлар яратиш, жумладан овозли қидирув модулини жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, юридик хизмат марказларида ва “Yurxizmat.uz” тизимида ахборот технологиялари янада кенг жорий этилиши ва қўлланиши жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ошишига, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тезкорлик билан тикланишига, натижада эса қонун устуворлиги таъминланишига олиб келади.

Шунингдек, “Legal Tech” йўналиши ўзининг функцияларидан бирини, яъни юридик соҳани рақамли технологиялар билан қамраб олиш ва шу аснода фуқароларнинг ҳуқуқини етарлича таъминлашни бажарган бўлади.

### Иқтибослар/Сноски/References

1. Мирзиёев Ш.М Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз – Т.: Ўзбекистон, 2016;
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // URL: <https://lex.uz/docs/20596>;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/4820060>;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да

амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/5260791>;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 29 июндаги ПҚ-5168-сон Қарори // URL: <https://lex.uz/docs/5482934>;

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини эксперимент тариқасида ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йили 17 сентябрдаги 561-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/5000814>;

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 мартағи “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-89-сонли Фармон // URL: <https://lex.uz/docs/5914998>;

8. Карапетян Ю., Окунь С., Райский А. Люди выгоднее роботов-юристов, но это пока. “Юридический бизнес”: Приложение №169 от 18.09.2018.